

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

233 Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат божи ставкалари ҳақида» 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарорига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ–1474-сон қарори билан тасдиқланган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурини бажариш юзасидан, кичик бизнес субъектларининг судларга мурожаат қилишда харажатларини камайтириш ва қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 11-сон, 49-модда) иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 18 май,
140-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 18 майдаги 140-сон қарорига
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат божи ставкалари
ҳақида» 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарорига
киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар**

Қарорга иловада:

1. 1-бандда:

а) «а» кичик банддаги «даъво аризаларидан» сўзларидан кейин «мазкур банднинг «а¹» кичик бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно» сўзлари қўшилсин;

б) қуйидаги мазмундаги «а¹» кичик банди қўшилсин:

«а¹) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улар томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти доирасида бериладиган даъво аризаларидан, даъво баҳоси энг кам ойлик иш ҳақининг:

— 20 бараваригача бўлганда — даъво баҳосининг 2,5 фоизи миқдориди;

— 20 бараваридан кўп бўлганда — даъво баҳосининг 5 фоизи миқдориди»;

в) «б» кичик банддаги «энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари миқдориди» сўзлари «энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баравари миқдориди» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) қуйидаги мазмундаги изоҳ қўшилсин:

«Изоҳ. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари амалга оширадиган тадбиркорлик фаолияти доирасида судларга мурожаат қилишда ушбу банднинг «д» ва «з» кичик бандларида кўрсатилган белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдориди давлат божи тўлайдилар».

2. 2-бандга қуйидаги мазмундаги изоҳ қўшилсин:

«Изоҳ. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари амалга оширадиган тадбиркорлик фаолияти доирасида судларга мурожаат қилишда ушбу банднинг «а» — «г» ва «е» кичик бандларида кўрсатилган белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдориди давлат божи тўлайдилар».

3. 4-бандда:

а) «в» кичик банддаги «шартнома суммасининг 0,1 фоизи миқдориди» сўзлари «шартнома суммасининг 0,1 фоизи миқдориди, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан кўп эмас» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) «к¹» кичик банддаги «гаров» сўзи «гаров (кредит ташкилотлари билан гаров шартномасидан ташқари)» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. 8-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«суғурта ва аудиторлик ташкилотлари, солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари, биржалар, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари билан ташкил этиладиган акциядорлик компаниялари (шу жумладан давлат-акциядорлик компаниялари ва холдинг компаниялари) шаклидаги бошқарув органлари, бозорлар — энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдориди».